

"Ўзкимёсаноат" АЖ ва инвесторларнинг Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида ялпи мажлиси бўлиб ўтди

// 06.05.2024

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azh-va-investorlarning-toshkent-halqaro-invest>



Ўзбекистонда кимё саноатининг йиллик ўсиш суръатларини таъминлаш учун қандай режа ва стратегиялар ишлаб чиқилмоқда? Соҳани хорижий инвесторлар учун янада жозибadorлигини ошириш мақсадида қандай чора-тадбирларни амалга ошириш керак?

Ялпи мажлисда ушбу саволларга батафсил жавоб олиш имкони яратилди.

Тадбирда Линде (Германия) компаниясининг Европа-Шарқ минтақаси бўйича президенти - Маттиас Кранз, Индорама Коканд Фертилизерс анд Чемисал бош директори -Ракхул Сингх, НеханТЕСА компаниясининг МДХ минтақаси бўйича раҳбари, бош маслаҳатчи Сергей Радченко, "Ўзкимёсаноат" АЖ бошқаруви раисининг инвестициялар ва инновациялар бўйича ўринбосари Акбар Курбанов ҳамда "Навоиязот" АЖ бошқаруви раиси Фаррух Самадов иштирокчиларни қизиқтирган ушбу саволларга батафсил жавоб беришди.

Кимё саноатининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни, асосий ютуқлар ва кўрсаткичлар, истиқболли режалар ва инвестицион лойиҳаларнинг асосий параметрлари бўйича маълумотлар

берилди.



